

2008 йил – Ёшлар йили ЁРУҒ, ЁРКИН КУНАР ШУКУҲИ



Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан иқтидорли қызларни кашф этиш, рағбатлантириш, уларнинг келгусидаги фаолиятини кўллаб-куватлаш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти кўплаб истеъод соҳибаларининг камолоти йўлида қанот бўлиб хизмат қиласоқда. Президентимизнинг 2008 йил 29 февралда қабул килинган "Ёшлар йили" давлат дастури тўғрисида"ги қарорига кўра, иқтидорли қызларни аниқлаш, юртимизнинг изланувчан, ташабbusкор ёшлини каторида уларнинг ҳам ҳайтий манбаатларини таъминлаш ва химоялаш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. "Туркестон" саройдада бўлиб ўтган 8 марта байрами тадби-

рида Президентимиз Ислом Каримов қарорига мувоғиқ аъло хулиқ, зукколиги, ўқишидаги мудаффакиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъодини наёмён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, фан ва таълим соҳаларида алоҳида ютуқлари учун Қарақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахрининг иқтидорли қызларига Зулфия номидаги давлат мукофотлари топширилди.

СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари:- Несибели Мамбетирзаева - Қарақалпогистон давлат университети қошидаги 1-академик лицеининг 3-курс талабаси; Рушона Рустамова - Андижон мухандислик-иктиносидиёт институтининг 2-курс тала-

баси; Умида Раҳмонова - Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 41-иктиносослашибирлиг мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси; Юлдуз Ҳамракулова - Жиззах политехника институтининг 2-курс талабаси; Нилюфархон Аббосхонова - Қарши давлат университетининг 2-курс талабаси; Сарвоноз Бекбутаева - Навоий вилояти Навбахор туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси; Севара Алижонова - Намangan вилояти Учқурғон туманидаги 6-иктиносослашибирлиг мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси; Рушана Амонова - Самарқанд вилояти Жомбор туманидаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси; Мафтұна Исақова - Сирдарә вилояти Гулистон туманидаги

27-иктиносослашган мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси; Гулнисо Сайдалиева - Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг 3-курс талабаси; Дурдана Абдуманопова - Жаҳон иқтиносидиёт ва дипломатия университети қошидаги академик лицейининг 2-курс талабаси; Нозимахоним Холиковна - Фарғона вилояти Риштон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синф ўқувчиси; Гулноза Умирова - Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси; Юлдуз Файзий - Алишер Навоий номидаги "Нафис санъат" йўналишига иктиносослашибирлиг республика мактаб-интернатининг 11-синф ўқувчиси.

ЁШЛАР ҲУНАР ЎРГАНИШМОҚДА

Мураббий Саодат Кулмуродова талаба-ларга тикувчилик касбини ўргатмоқда.



Кашқадарё вилояти Дехқонобод туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида 9 та йўналиш бўйича 600 нафардан ортиқ ёшлар ўқиб, ҳунар ўрганишмоқда. Коллеж директори Алишер Нуриллаевнинг таъкидлашича,

уларнинг малакали мутахассислар бўлиб этишишлари учун имларро хоҳида барча шароитлар яратилган. Замонавий, кенг ва ёруғ хоналарда компьютерлар билан ишлётган қишлоқ ёшларига қараб ҳавасингиз келади. Саодат Кулму-

радова ҳамда Назокат Рўзиева-лар раҳбарлик киладиган тикувчиликни мукаммал эгаллаб олди.



родова ҳамда Назокат Рўзиева-лар раҳбарлик киладиган тикувчиликни мукаммал эгаллаб олди.

Шавкат СУЛТОН

Оиламиз меҳмони файласуф-фан доктори, илмий жамоа сардори ва оила бекаси Нигина Арслановна Шермуҳаммадова.

- Нигина Арслановна, "фалсафа оламида қандай кириб келгансиз?", дея сиз билан сұхбатимизни бошласак...

- Ешлигидан файласуф бўлишин орзу қилганин. Сабаби оиламида кўпчилик шу соҳада ишлар ва мен уларга ҳавас қиласр эдим. Тарих ва адабиётга қизиқар, баъзида шеър ва хикоялар ёзар эдим.

нинг "Сен эглайсан, мен бунга ишонман", деб айтган сўзлари менга доим куч бағишилган.

- Энди қасбий фаолиятнинг ҳақида гапирсангиз?

- Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Милий университети фалсафа факультети "Фалсафа ва фан методологияси" мудири сифатида илм-фан хизматидаман. Кафедрамиз 2002

- Ҳаётингизда илм, оила ва жамоат ишларини қандай мувофиқлаштирасиз?

- Мен учун мана шу уч бирликда энг муҳими ойладир. Мен оила бекаси, фарзандларимнинг онаси эканлигимни ҳис кильмаганимда илм-фан ва жамиятда ўз ўрнимни топа олмаган бўлардим. Агар оиласа бўлмаса менга бошқа ютукларим ҳам татимаган бўларди.

Оиласам бу ҳаётимдаги энг катта ютуғимдир. Илм ва жамиятдаги фаолиятим эса оиласа билан ҳамоҳанг. Ҳамма аёллар учун ҳам шундай бўлиши керак деб ўйланмай. Аёл оиласа деб ўзлигидан кечмаслиги, ўзим, жамиядаги қасбим деб оиласини ўйқотмаслиги керак. Бунинг

ли, меҳрли, иккинчисининг эса қаҳри қаттиқроқ. Мен уларнинг бирига бир хил, иккинчисига бошқа хил тарбия бермайман, бирор уларнинг табиатини ҳам унутмасликка ҳаракат қиласаман. Инсонда шундай турға сифат, фазилатлар бўладики, она меҳри улар ойда ожиздир. Шунинг учун мен болаларимга уларнинг фазилати нутқат-назаридан ёндошишга, бир-биридан ибрат олишга ўргатаман.

Фарзанд тарбияси унга овқат бериш, вактида ухлаши ёки моддий таъминлашни эмас, балки унга шахс сифатида муносабатда бўлиш, унинг фикри билан ҳисоблашишини талаф қиласади. Болага ёшлигидан хушумо-малалик, яхшилик, саҳиълик,

ларим борлиги -бу менинг қасбий фаолиятимдаги энг бинчни ютуғимдир. Буғун ўзбек фалсафасини бутун жаҳон таниётланлиги ва бунда менинг озигина бўлса ҳам ўз хиссам борлигидан фархланаман. Катор халқаро конференцияда

ОИЛАМ— ЭНГ КАТТА ЮТУҒИМ



ишилда ташкил қилинган. Мутахассислар тайёрловчи кафедра сифатида ёш бўлишига қарамасдан салмоқли ишлар амалга оширилди. Йилдан-йилга кафедрамизда тайёрланган ўзбек ва рус тилидаги ўқув адабиётлари сизни ортиб бормокда.

Касбий фаолиятимда ишга маъс-

улитият бирламчи ўринни эгалайди. Кафедра сардори сифатида турил ёш ва ҳар хизматидаги жамоа амаллари орасида соғлом мухитни сақлаш маъсулитият энг асосийидир.

Менимча, дигоригидан кучли дард йўқ. Кафедрагидагиларнинг кўнглига қараб иш юритишига, дилозорликка йўл қўйилмасликка ҳаракат қилиш билан бир қаторда талабчан ва қаттиқўл бўлиши қийин. Ёш ўқитувчилардан умидим катта, уларга кўлимдан келган ёрдамни беришга, ўргатишига ҳаракат қиласаман. Ўзим она бўлиб фарзанд тарбияси ниҳоятда мурakkab жараён эканлигини ва бунда ота-онанинг тенг масъулитигини англадим.

Фарзанд тарбияси мурakkab масала. Юкорида айтиб ўтганимдек иккиси фарзанднинг онаси. Иккиси иккиси хил дунё. Бирни жуда ҳам юмшоқ табиат-

бағрикенглик каби ижобий фазилатларни сингдириш, ўғрилик, ўғлончилик каби салбий иллатлар ва уларнинг оқибатларини ёрқин мисоллар билан тушунитириш лозим. Эртакни шунчаки айтиб бериш ёки ўқиш эмас, балки унинг мазмунини болага тушунитириш ва уққанлигини англаш ҳам мухимдир.

Биз фарзандларимизга энг оддий нарсалардан ҳам қуонишни, миннатдор бўлишини ўргатишмиз лозим.

- **Хукуматимиз томонидан олиб бориляётган ҳар қандай ислоҳотлар замираиде аёлга ўтибор масаласи устувордир. Бу сезизнинг ҳаётингизда ўз аксини қандай топиб келяпти?**

- Аёлларга ўтибор масаласи ва унинг самараси касбий фаолиятимда эришган ютукларим билан чамбарчас боғланиб кетгандир.

Ақли, мақсадини билган ва ана шу мақсадга эришиш учун тинимиз изланётган шогирд-

ўзбек файласуфларининг бир вакиласи сифатида иштирок этанимнинг ўзиёк катта бир ютуқидир. 2006 йилда жаҳоннинг 56 мамлакатининг 500 дан ортик муаллифлари иштирокидаги Глобалистика-халқаро энциклопедик лугатнинг муаллифларидан бирни эканлигим ҳам ўтироф этилган ёзбиронинг ҳаётимда акс топиб келаёттанига бир мисодир.

- **Оила қадрият сифатида ўтироф этилаётган бир пайтда ёш оиласарларнинг ажралиши ҳолатлари кўпаймокда...**

- Оиласий муносабатлар гул каби доимий ўтиборни талаф килади. Гулнинг сувини тезиз тозалаб, парвариш қўлсантириш ўзок вақт сакланни туради, акс холда тез сўйиди. Худди шу каби оиласарнинг барча аъзолари бир-бирига ён босиши, арзир-арзимас дилозорликларга йўл қўйилмаслиги керак. Зоро тома-тома кўл бўлур, деганларидек, дил-оғриғи кучайиб, меҳр сусайди, оқибатда оиласи барбод бўлади.

- **Сұхбатимиз сўнгига "Оила ва жамият" мухлислари тилакларингиз...**

- Азиз муштарилиларга энг аввало соғ бўлиши, сўнг эса умринг ҳар бир дақиқа, соняси қадрига етиши, ҳалол меҳнати, оиласига меҳр-оқибати билан мазмунли умр кўришларини истайман.

**Малоҳат МўМИНОВА
сұхбатлашди.**



ҲОВЛИДАГИ МЎЖАЗ ГУЛХОНА

Қашқадарё вилояти Якабоғ шаҳридан Гуломовлар хонадонига ташриф бўйсиз, ўзингизни бояи Эрамда ҳис этасиз.

Асли мутахассислиги қурувчи-муҳандис бўлган Гулнора опа кўп ийлар курилиши ва ободонлаштириш соҳасида меҳнат қиласи. Нафакага чиққач, ҳовлисида мўйжазгина иссиқхона ташкил этиб, гуллар парваришлай бошлади.

- Махалламиз хотин-қизлари Гулнора опадан хурсанд, - дейди "Янигубод" ма-

ҳалдошларга совға қилиб туради. Бугунги кунда ушбу хонадонда 500дан ортик турли анвойи гуллар парваришланмоқда.

Инсониятни ҳар қандай тушкунликдан гўзаллик куткаради. Бу бехиз айтилмаган. Гуломовлар хонадонидаги гуллар кишиларни эзгуликка, гўзаликка етаклаётган бўлса ажаб эмас.

**Шавкат СУЛТОНОВ,
Қашқадарё вилояти,
Якабоғ тумани.**

Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини кўлла-куватлаш ва ривожлантириши жамоати фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди. Лойиҳа номи: "Оналия ва балалик муммалолари, Хотин-қизларнинг мамлакат ижтимоий-сийосий ҳаётидаги ўрнини ошириш, оиласада ўзаро муносабатлар"

ГАЗЕТА ЎҚИШГА ВАҚТИНГИЗ БОРМИ?

Пахта йигим-терими қизғин давом эттётган палла эди. Тахриринга ном қозонган фермерлардан бирни ҳаллослаб кириб келди. Чехраси қувончдан чаророн.

- Режанин биринчилардан бўйліб уддаладик, газитга мактаб ёзасиз-да энди, - деди у ётироғоза ўрин қолдирмайдиган онхагда.

Шундай илгор фермер муваффакиятини ёзмаса бўларканми, албатта ёзамиш. Аммо кетар ёғи тайтган бир оғиз галип у ҳақдаги барча фикрларини ўзгартирбид юборди.

- Газетани қачон олиб кетсан бўлади? - деди у эшикка етар-етмас.

- Олиб кетиш шартмас, почтадан ўзлари етказишиади, обуна бўлган бўлсангиз керак, албатта?

- Э, обуна бўлиши қачон хаёлга келиди, дейсиз. Дала ишидан ортиб бош қашшига вақт йўй-у, обуна дейсиз-а?

Тумандаги ман-ман деган илгор фермернинг гапидан ҳангут-манг бўйліб қолдим. Мана савия, дунёқарашиб матбуотга муносабат... Ҳалигина кечган сұхбатмиздан аён бўлди: фермернинг барча ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, даромади, иш деб югуришлари, фидойлиги - барни барни мақтагудай. Факат бир жиҳатни демаса ҳар қанча мактаб ёзиши арайди. Юқорида айтганинг газета ўқишига вактим йўк", деган жўнгина баҳона билан ўзини оқламасди.

Энди ўзингиз ўйлаб кўринг: бу дунёда инсон нима учун шайди: факт ёб-ичиш, кечакундуз меҳнат килиши учунми? Аксинча, бу унсурлар инсонни камолотта етказиш учун воситаси бўлиб хизмат килиши, буюк мақсадларига эришиш учун омил бўлиши керак эмасми? Буюк мақсадларига эришиш эса факт доно, билимдон, дунёнинг паст-баландидан хабардор кишиларганина насиб эта-ди. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсақ, дунёдан боҳабар бўлмаман, деган инсон ташнагини фақат газета-журнал, кундаклик ахборот висатлари кондрави олади-ку! Энди ҳалиги фермерни олиб кўрайлик.

Газетада мақтагудек бўлиш учун озмунча елиб-югурдими, ўғуз ниҳолига ўз вақтида ўғит берни, сув берни, ишлов берни учун вақтини ҳам, меҳнатини ҳам аямайди, бу йўлда кечалари ҳузур-ҳаловатидан, кундузлари вақтидан кечиб бўйса-да, елади, югурди. Ўғурган курук қолмайди, насиб этсин, оғеи остида физиллаб турган машинаси бўлса, дангилама иморати кўрганинг ҳавасини кептира, йилида қиз чиқариб, ўғил уйлантириб турган бўлса... Соддороқ қилиб айтганда, ҳамма нарсага топилган вақт газета-журнал ўқишига келганда топилмай қолган. Шунинг учун ҳам мен шу фермернинг бугунги байроқдорлигини эртага саклаб қолишига ишонмайман, негаки шиддат билан кечаттган давримиз, замонамиз талаби билимдонлигни, атрофдаги воқеа-ҳодисалардан мудом ҳабардорликни, ўз фаолият доирасини кенгайтириб боришни тақозо этди. Ўз устида ишласа, куни кечи унинг манфаатини кўзлаб чиқарилган ҳукумат қароридан беҳабар бўлса, ўз ҳақиқувларини ҳимоя қилишига қаратилган қонунлар магзини чақолмаса илфорликка даъво килиш мумкинми?

Яқинда тадбиркор бир танишимдан сўраб қолдим: "Бирор бир газетага обуна бўлдингизми?" - Бизга ҳеч ким бу ҳақда гапирган эмас, айтсалар албатта обуна бўлмасин, - деди у локайдигина. Наҳотки, ўз маънавиятимизни бойитиш учун ҳам юқоридан буйруқ бўлишини кутсак? Ахир исталган почта бўлимига кириб ўзингиз севиб ўйидиган газетага бемалол обуна бўлишингиз мумкин-ку!

Канчалин нокулай бўлмасин яна бир гапни айтишдан ўзимизни тиёлмаймиз: айримлар газета-журналга ёзилиш учун маблаг тақисилгини баҳона килишиади. Шундайларнинг афтангорига қарасанги кийиниши туппа-тузук, ёб-ичишидан камиллиги йўк, турмушига ҳавас кильса арайди. Наҳотки, шунчага сарф-харажатта етган пулингиз битта газета ёки журналга камлик килса, дегинг келади. Ахир гап оддий нарса ҳакида эмас, маънавиятни бойитиш ҳакида кетапти-ку!

**Зуҳра КУРБОНОВА,
Бухоро вилояти,
Ромитан тумани.**

Халқимизда кексаларни қадрлашдек ажойиб бир хислат бор. Бу хислат асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб келалти. "Кексаларни этсанг иззату хурмат, сени ҳам кексайгач, этишар иззат", дейди XII-XIII асрларнинг мутасавиф шоирларидан бирни Фаридиддин Аттор. Бу улуг зотининг панд-насиҳатларидан Алишер Навоий ҳам баҳраманд бўлган. Носир Хисрав эса: "Тутгил қариларнинг қалтироқ қўлини, қаригач, билурсан қариллик йўлин", дейди. Ҳар қандай инсон учун, аввало, отондан азиз кимса йўқ. Фар-

дириб қўяётган "мусулмон"-лар-чи? Еннадаги қўшниси эса ўн-ўн беш киши чакириб, ўлган отаси ёки онасининг маъракасини ўтказа олмай гаранд. Наҳотки, бу дунёда эришган бойлиги охирада ҳам аскотади, деб ўйлайдиганлар бўлса? Ўлганларидан кейин ўша кошона қабр эгалирига насиб этмаган ҳолатлар ҳаётда учраб турибди. Умуман, катталарга иззат-хурмат кўрсатиб, уларнинг дуосини олиш қандай яхши. Ҳозир ҳам кўп жойларда, асосан маҳаллаларда шунгаг амал қилинагати.

Бироқ, баъзи жойларда бошқача манзара кузатилмоқда. Ҳолишилар каби у дунёда ҳам фаришталарни сотиб олиш мумкин, деб ўйлашар..

Юртбошимиз ўтган йил феврал ойдай Вазирлар Мажхамаси мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, жамиятимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги керак. Албатта, бойлика ҳеч ким қарши эмас. Ҳалқимиз тўқ-бадавлат, тўқин-сончиликда яшагани яхши. Бироқ, бойлик одамларни табакалашга, жамиятда тенгизликка, бирор бошқа бирорвога қарам бўлишига, ҳамда ҳамжихатлик, бирлиқ ва ахилликка раҳна солишига хизмат қиласлиги керак.

Шунинг учун бойларга саҳоват ярашиди. Саҳоватдан олинадиган савоб иш бу дунёда ҳам аскотади. Бойларнинг саҳоватига, меҳр-муруватига, ёрдамига мухтоҳ одамлар ҳамма жойда бор. Хоҳ шахарда, хоҳ кишлоқда бўлсин, биз билан ёнма-ён яшайдиган жуда кексайиб қолган қариялар ҳамда ногирон, дардманн, оз бўлса-да, ёрдамга мухтоҳ, бир оғиз ширин сўзга муштоқ одамлар бор. Меҳр-муруват кўрсатсак, ширин сўзимиз билан уларнинг дил кулфуни оча олсан, катта савоб иш қилган бўламиш. Умар Хайём айтганидек:

Бир ғарип кўнглини қила олсанг шод,

Яхшидир ер юзин қилғандан обод.

Лутфинг-ла бир дилини кул кила олсанг,

Афзалдир юз кулини килмоқдан озод.

Демак, биз кўплаб одам чакириб, тўй-маросим ва маъралаларимизни овоза этишдан, одамларни олий, ўрта ва кичи табакаларга бўлиш билан жамиятдаги ўз ўрнимиз ва мавқеимизни бошқаларга кўз-кўз қилишдан, тирик пайдада ўзимизга музей-мақбара-лар курдириб гуноҳга ботишдан, бойлигимизни ҳаром-ҳариси ишларга сарфлаб давру даврон суроидан кўра ғарип кўнгилларни шод қилганимиз афзал экан.

Қачонки, биз олқишидан дунонинг афзалигини англаб етсак, савоб ишларга кўл урамиз. Аввало, ота-оналар, кексалар, бева-бечора ва етимесирлар, ёрдамга мухтоҳ, ҳалол-пок ва дийёнатли инсонлар дуоси ижобат бўлишини унтулмайлик.

Олқиши эмас, дуо олайлик, азизлар!

Иброҳим НОРМАТОВ

ОЛҚИШ ОЛМА, ДУО ОЛ



занд ота-онасини рози қилмаса, бу дунёда баҳтини топмас, охиратда жаннатга кирмас экан. Ҳар куни тонг саҳар деразаманд ташқарига тикилиб ўтириб, чукур ўйга толаман: негадир нукул қалтироқ кўлларида ит етаклаган қариялар - чоллар ва кампирлар ўтади. Уларнинг орасида иззат-хурмат кўлларига даъвомида ҳам бор. Қанийди, шу қалтироқ кўллар факат невара, чевара ва эвараларни етакласа! Уларнинг фарзандларига бир улуг широнинг қўйидаги насиҳатини эслаттиш келади: "Ёшлик, телбаликни чиқар бошингдан, ота-онанг хизматида бўлғингандан".

Гап қарияларга фарзандлар, қариндош-уруғлар, кўни-қўшилар, мажалладошлар, таниш ва нотаниш одамларнинг ўтибори ҳакида боралти. Биз кексалар, ногиронла ёлғиз инсонларга ҳукумат даражасида ўтибор бериладигини яхши биламиш. Бутун бир йил мамлакатимизда қарияларни қадрлашдек юли деб ҳам эълон килинди. Үндандан кейин ҳам қарияларга ўтибор ҳамиша диккат- ўтиборда бўйиб келалти. Бироқ, биз кексаларни хурмат килиш, ёзозлаш ва қадрлашга даҳлор миллий ва маънавий

яни, турли маърака-маросимларда қарияларга эмас, бойлар ва мансабдорларга алоҳида жой тайёрланапти. Гүё ёшнинг улуғлиги, қадамнинг сустлиги ва кўлнинг қалтироқлиги иззат-икром учун асос бўймай қолганда. Айниска, бундай ҳолатнома қозониб, олкиши олиш учун катта-катта ресторон ва кафеларда ўтказилаётган маърака-маросимларда яқол кўзга ташланниб қолмоқда. Бойми ёки камбағалми, мансабдори ёки оддий ходими, азиз инсонга муносабат бирин хил бўлиши керак. Факат ёши улуг, ногирон, меҳрга мухтоҳ инсонларга савоб учун алоҳида жуда кексайиб қолган бўламиш. Умар Хайём айтганидек:

Бир ғарип кўнглини қила олсанг шод,

Яхшидир ер юзин қилғандан обод.

Лутфинг-ла бир дилини кул кила олсанг,

Афзалдир юз кулини килмоқдан озод.



- Газета муроаласидан куч-куват, хузур-халоват топаман, дейди кўп йиллик қадрлонимиз— тошкентлик меҳнат фахрийиси Шоҳида Искандарова.

ЛОКАЙДЛИКНИНГ ТЎЛОВИ


- Менинг ҳикоям узун ва аянчли, синглим. Олдингизга келишдан аввал кўп ўйладим... у кунларни эсга олиб нима қилдим, дедим. Аммо мен йўл кўйган хато яна бошқа бир инсон ҳаётида таорларнисин, оналар зийракроқ бўлишин, деб шу ёқка йўл олдим,-дэя сўз бошларида таҳририятга келган аёл.

- Онам мени қўшин йигитга турмушга бергандилар. Уч киз, бир ўғиллик бўлдик. Лекин Оллохнинг иродаси экан, эрим эрта вафот этиб кетдилар. Болаларни едириб-ичириш осон эмас экан. Туни билан тўн қавирдим, тўй бўладиган қиз-йигитларнинг кўрпа-кўрпачаларини тикиб, тайёрлаб берардим. Бунинг устига туманимиздаги шифоноҳага ҳар икки кунда навбатчилика турардим, хуллас тинмасдим.

Болалар ким билан қоларди?

- Эрим оламдан ўтгач, онамларнинг ховлиси билан бизнинг ховламиз ўтасидаги деворни бузиб ташлаган эдик. Болаларга онам кўз-кулок бўладилар, деб хотиржам ишга кетардим. Онам кенжада укам билан яшардилар. Укам армидан кайтача, акам уй қилиб чибики кетган. Укам колхозда тракторчилик қиласарди. Онам: "Шу укангни ўйлантирас, тинчигина ёфимни узатаман", - деб, муносиб келин кидириш билан овора эдилар. Укам жуда көлишган ва анчагина шўйигит эди. Бўш қолди дегунча 15 ёшли ўглим билан шашка ўйнагани-ўйнаган эди. Уларга 14 ёшли қизим ҳам қўшиларди. Ким ютказса, бирор ишни бажарарди. Кўпроқ укам ютар, ютказганга ховладиги ишларни қилиди борларди. Биз онам билан бундан хурсанд бўлардик. Отам эрта қазо қилиб кетгандар учунми, укам ҳам менга боламдек бўлиб кетган эди. Мен нафбатчилика кетганимда, у бизнисида ётар, мен болаларимга коровул борлигидан хотиржам эдим. Ўйхоналарни ичма-ич бўлгани учун кизлар билан ўглимнинг хонаси эшиксиз, бир-бирига ёндош эди. Укам ўглимнинг хонасида ётарди. Ўнга ўзимга ишонгандек ишонадим. Ахир ўз кўлумдад катта бўлган бўлса, қандай ишонмай... - аёл чуқур хўрсанди. - Ана шу соддалигим, бефаҳмлигим менга панд берди... Бир куни катта қизим: "Корним оғрияпти", деб буқчайиб ётиб олди. Оғриқ қолдирувчи берсар ҳам кор қилмади. Тезда дўхтирига олиб бордим. Ички

касалликлар шифокори уни текшириб: "Қизингизни аёллар дўхтирига кўрсатинг", - деди. Ўгуриб, "Женский"га олиб бордим. Дўхтири уни текшириб бўлгач, мени хонасига чақириди. "Қизингиз хомиладор-ку, хола... Шунчалик ҳам ёш эрга бергандмисиз? Унинг тугишларини ўйламадингизми?" - дэя мени койиб кетди. Мен карахт бўлиб қолдим. Нима бўлаётганини идрок киломасдим. Миямда факат "ШАРМАНДАЛИК!!!" деган сўз айланарди холос. "Бола уч ойлик экан... Бироз калтис харакат қилибди, шунга оғриқ берган, укол қилдим, ўтиб кетади..." деганини ўшитдими, хондан отилиб чиқдим. Ташқариди турган қизимнинг кўлидан маҳкам тутганча таксига ўтириб уйга келдим. Дарвазадан кирап-кирмас башарасига шарақлатиб солиб юбордим. Қизим ерга йикилганча гужанак бўлиб олди. "Ким у?! Ким у?!" Тилимга факат шу сўз келарди. "Сен нега семириб кетапсан, десам... гап бу ёқда экан-да, жувонмарг", - дэя тўгри келган жойига уравердим. Бир пайт ўзимга келиб карасам, қизимнинг овози чиқмай қолди. Юзини яшириб турган кўлини кўтартган эдим, ўшилк этиб ёнинга тушди. У хушисиз эди. Бир дардим икки бўлди. Жон ҳолатда овозим борича онамини чақириди. Онам ҳеч гандан хабари йўқ югуриб келиб, қизимнинг юзига сув сепиб, бошини тиззасига олди. Пешоналарини, кўлларини укалади. Шундагина қизим ҳолсиз кўзини очди. Мен қизим билан онамини кучоқлаганча "дод" деб йигладим. Бўлган воқеани онамга айтдим. Онамнинг боши эгилиб қолди. Яккаш: "Бу нима кўргулик!" - деб кўксига уради. Қизимнинг уйга олиб кириб, секин-секин айбдорнинг кимлигини сўрай бошладим. Айтса унга зарар етмаслигини тушунтиридим. У кўзларини жавдиратиб, кўрка-писа: "Кичик тогам... айтсанг ўлдираман, деган. Мени бирор жойга яшириб кўйинг, онажон!", - деди. Бу гапни ўшишиб, онам: "О!" деб, ерга йикилди. Менинг қўзимга бу дунё қоронулашди. "Ўз ичимдан униб чиқсан илон!", - дердим қайта-қайта... Укамни кидириб бошяланг далага чоп-



ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

дим. Аммо уни ҳеч каердан тополмадим. У бизнинг дўхтирига кетганимизни ўшитган заҳоти қорасини ўчириган экан. Уша куни у ўйга келмади. Энг аянчлиси - мен ўз болам учун, онам ўз боласи учун куярдик. Биз бир-биримизга душман бўлиб қолгандик!.. Маълум бўлишича, қизим шашка ўйнаб бир неча марта укамга ютиқаб кўйиди. "Энди нима десам килишинг керак!" - дебди укам. - "Акан ҳам айтганимни қиласяти, кўраясанми, ўйиннинг қоидаси шунақа!", - деб уни ишонтириди. Қизим бирор иш буюрса керак-да, деб ўйлаб: "Хўп", - дебди. Орадан биринки кун ўтиб, мен нафбатчилика кетганимда, ҳамма ухлагач, укам қизимнинг ёнинга келибди... "Агар бирорга айтсанг, ўлдираман!" - дебди. Эх, Худо, бечора боламни мен йўқлигимда кўркитиб, зўрлаб юрган...

- Жуда оғир ахволда қолибсиз...
Аммо ҳамма айб ўзингизда бўлган...

- Ха, ха! Ҳамма айб ўзимда эди. Аммо мен буни кеч англаган эдим!

Мен ака-сингиллар ўтасида бундай воқеалар бўлишига ишонмасдим. Укам ҳам болаларимни ўз укасидай кўради, деб ўйлабман... Вояга етган йигитми, қизми бир лаҳзада ўзини унтиши мумкинлигини хаёлимга ҳам келтирмабман. Қиз болаларнинг ёткозлари, ҳатто акаларининг ёткозларидан ҳам йироқ-ота-оналарининг назоратида бўлиши керак экан!!!

- Қизингизнинг тақдири нима бўлди?

- Жон аччиғида укамни судга бердим. Уни бошқа тумандан топиб келишиди. Ўн беш йилга камалиб кетди. Аммо барча қариндошлар биздан юз ўғиришиди. Онам ва акам билан ўртамизда жуда каттиқ "жанг"-лар бўлиб ўтди. Ҳовлиларимиз ўртасидан яна девор урилди. Кўчада бош кўтариб юролмай қолдик... Ахийри ўйни сотиб, бошқа вилоягта кўчиб кетдик. Қизимнинг ой-куни етгач, боласини "операция" қилиб олишиди. Ёш бўлгани учун туғиши пайтида ўлиб қолиши мумкин, дейишиди. Боласини эса бир фарзандсиз оиласа бердик. Мана ўшанга ҳам беш йил бўлди. Қизимга тикуччиликни, тўн тикишини ва кўру қавишини ўргатдим. Ўзини эплайдиган бўлгач, хотини ўлган бир йигитга турмушга бердим. Ўзим одамлардан буюртма олиб, тирикчилик қиласяйман. Ўглим ҳам катта бўлиб, дурдгорликни эгаллади. Ҳудога шукр, рўзгоримиз бут... аммо кўнглим кемти... кўнглим яра... Шундай чироли укам, севимли укам менга бегона, менга душман энди - у ҳали ҳам камокда. Онагинам, акам энди йўқ меңнинг учун... мен эса улар учун... Айтинг-айтинг "тап" этиб бир кун ўлиб қолмай-да, акс ҳолда болаларим бегона юртда ёлғизланиб қолишиди... Мен гумроҳнинг беларвонлиги шунча одамнинг тақдирига таъсири килди! Бўш қолдим дегунча ич-ичимда йиглайман, ўз-ўзимни қаргайман... аммо фойдай эйк... Менинг тақдирим бошқаларга сабок бўлсин, деб қолдим, синглим яра...

* * *

Аёлга таскин бердим. У кўз ёшини арта-арта мен билан хайрлаши. Аёлнинг ҳолини кўриб қўнглим увишиб кетди. Энди унга қанчалар маслаҳат бермайлик, гишт қолипдан кўчган, дарё оқимини орта қайтариб бўлмасди. Факат у айтгандек, бундай фожея яна кимнингдир ҳаётида тақорларнисига учун оналар сергакроқ бўлишлари даркор...

Санобар ФАХРИДДИНОВА

- Лайло! Сизни тушундик. Хали ёш бўлишингизга қаралмай шунча таъна-ю маломатларга колибсиз. Эрингиз сизни ташкил кочиб кетди. Қайтагизнинг исстар экан. Сизга шундай муносабатда бўлган хонадонга яна қайтиб борсангиз, улар сизга ҳай муносабатда бўлишини кўз олдингизга келтирдингизми?

Яхшиси Англияга ўшига кетинг. Қайтагизнинг бироз унутасиз, ҷалғисиз. Ҳаётга бўлган муносабатнинг ҳам ўзгариди. Ана ўндинага бир фикрда келишингиз мумкин. Балки ўша пайтда эрингиз ва унинг яқинларига яна сизни қидиришига тушишар?

Ҳаётда, жамиятда ўз йўлини топган инсонларга эса муносабатда бошқа бўлади. Сиз ҳам шундай бўлишингиз лозим. **Азизлар! Сиз Лайлого қандай маслаҳат берасиз?**

ГУЛБАШАКАР

ҚАНДАЙ ЙЎЛ ТУТСАМ ЭКАН?

юраверинглар-чи. Кани, бу синовдан қандай ўткарсанлизар?", - дэя насиҳат қилди.

Менинг инглизчани мукаммал билганини ва аълочи талабалардан бўлганим учун институтимиз томонидан Англияга жўнатишади. Мен бўлсан эримнинг руҳасини ўёқа бора олмасдим. Эримни эса топла олмайтанди. Шунинг учун қайнотам билан маслаҳатлашиб олиш учун ўйлай-ўйлай келинлик ўйимга кўнгирок қилдим.

- Қайнотангизнинг гапларини ота-онангизга айтдингизми?

- Хали айтганим йўқ. Айтишга кўркаб турибман. Чунки отонам менга аллақачон: "Қизим энди сенинг бузилган турмушинг, қайта тикламайди. Ўзингни бунча хор килмагин", - деса бўладими. Кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

- Сизга уларнинг гапи маъкулдек туюлмаяптими?

қонатди.

Агар ахрашам бу гапларнинг тўғри эканлигини тасдиклаган бўламан. Шу боис ҳам ахрашига кўнмай келаётгандим. Ҳозир ҳам алам, ҳам изтироб ва тушкунликдаман. Ёки ҳамма гап-сўзларга кўл силтаб Англияга ўшига кетавсармикан? Нима дейсиз? Шундай қилсан, тўғри қилган бўламанми?

“Ўз боласини тан олмайди...”, -4-сон.

ЭСЛАТМА: Ўқишига билимдоналиги, ҳәмтааги таабиркорлыгы мени мағфутун қылган қызининг асирига айланам. Түрмуш курдац. Унинг ҳомилани тушурувчи дөршлар чиши түфайли фарзандамиз ногирон туғылди. Ўғамисини Мерхебонлик үйига топширилди. Худодан аёлмуга инсоф сүрайман.

Муаллиф: Наргиза Фариддин

ОНАМНИНГ АРМОНААРИ

Ушбу мақолани ўқиб, юракларим титраб кетди. Наотки она шүнчалар тошбагир бўлса?! Фарзандни тан олишидан орлансан? Кўзларини кибр, манманлик пардаси коплаб, соғлом фикрлар олмаса?..

“Иномарка” миниб, шохона касрларда яшовчи, амал курсисидаги “фаришта” гўё хато қильмайдигандай! Унинг хаёт тарзи, ўй-ю хаёли - дуру-гавҳарларга кўмилиб яшаш. Бемаврид туғилган мажрух фарзанд Шохи сўзанага кадалган “чилта” ямоқдек гап. Шунинг учун ўзгалар қарамонида яшашга махкум этилган.

Воқеалар гирдобида узоқ кезиниб, анча йиллар аввал оиласизда кечган “қаро кунлар” ёдга тушди...

Кенжа синглум түғилгандаги мактабга қатнарадим. Киз бола тез улгаяркан. У опалири, акалари кўлидан тушмаёқ тили чиди. Узун киприклиари остидаги катта тим кора кўзларига ҳамманинг ҳаваси келарди. Онажоним (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) ўта болажон эдилар. “Кизимни ёмон кўздан асрасин”, - деб, уни еру-кўкка ишонмасдилар.

“Аяган кўзга чўп тушади”, - деганлари бежиз айтилмаган экан. Уч ёшлик “бижилдок” синглумга тўз тегди. Икки чақкасидан тагли яラлар чиқиб, кўзлари юмилиб қолди. Бахтизлилар келса, кўш кўллаб келаркан. Онамнинг синглумга қўйгани етмагандай, мен амакимнинг бодигаги ёнфокни кокаман, деб ўнг қонотим, икки қовурагами синдириб, бир хафта ўзимни билмай ётибман. Бечора онам кизини унуттиб, мени бағрига босиб, меш табига чотган.

Дард бошқа, ажал бошқа экан. Йиллар ўтиб, оёқка турб кетдим, аммо синглумнинг кўзларини оқ парда коплаб, кўзлари кўрмай қолди. Бу фохеалор онамнинг кўксидаги доғ, юрагидаги армonga айланди. У кунларни эслашнинг ўзи азоб. Аёлни қиркта жони бор, у филдай бардошли, пўлтадай чидамли, деганлари балким шудир.

Ҳар нарсани вакт даволайди, дейдилар. Синглумнинг кисматида кўзи ожизлик бор эканни, қанча врачлар, табибларга югурамайлик, натижага ўзгармади. Тақдирга тан берилуни кўзи ожизларига мактабида

ўқитдик. Уша жамият корхоналарида ишлади. Дўсту дугоналар ортириди. Ҳурматэтибкор козонди. Уз тенгинни топди. Каттагина оиласа келин бўлди. Ширин сўзи, хуш каломи, сезигр одоби билан турмуш ўргонини, қайнона-қайнатасининг кўнглини олишига интилди. Кўлидан келганча келинлик юмушларини уддалади.

Кунлар ойларин қувлаб ўтаверди. Аллоҳ уларга ўғил фарзанд ато этди. Онамнинг

билан келишиб, уни “Болалар уйи”га топширилди, - деди овози титраб.


Нурсиз кўзлари ёшланди.

- Хой, эсинг борми? Одам боланиям топширадими? - деб юробиман орқа-кетини ўйламай.

У унисиз, борлиги титраб йифлар, елкалари силкиниб-силкиниб тушарди.

“Хўш, сен овозингни кўтариб гапиришга ҳаққинг борми? Ака бўлиб нима яхшилик килувдинг?

Синглумни кўр бўлиб қолшига айборд сен эмасми? Уша вактда ёнғоқдан йиқилиб, онамни чалгитган сен эмасми? Эҳтимол, у яраларини даволатиб, кўзини



сақлаб қолармиди?..” деган нидо келарди ич-ичимдан. Анча вактдан кейин йиғидан тўхтаб:

- Сутим коҷиб кетди, болани эплай олмадим, ўлиб қолмасин, деб бериб юбордим, - деби хиқиллаб.

- Онам жайтмайман. Хотиржам бўл. Ўзингга келиб ол.

Эртасига онам билан “Болалар уйи”дан Умиджонни олиб келдик. Чиндан ҳам она сутига тўймаган бола нимонжон бўларкан. Ёшига етиб қолган бўлса ҳам на бўйинни тутади, на оёқ босади. Иштонн тўлдиришдан бошқа нарсани билмайди. Кулогидан кун кўринидаган ахволга келиб қолган. Онажоним йиглай-йиглай, дардини ичига ютиб, олти ой деганда оёқка тургазидар. Синглумнинг бахтига ишлаётган жойидан уч хонали ўй беришди. Умиджон бемалол юргач, онаси олиб кетди. Етти фарзанднинг ичидашу киз кўзи ожиз бўлиб қолганига онам сира чиради. Доимо онажоним ўзларини гуноҳкор сезардилар. Ҳамиша ёрдамга ошиқардилар. Умиджондан ташки синглумнинг яч у фарзандни катта қилдилар. Болалари вояжга етиб, ўйлийли бўлгунча унинг пойида бўлдилар.

Орадан кўп йиллар ўтди. Ҳар гап синглум кўргани келганида, онажоним унга пешвуз чиқардилар-уб, кўзлари гилт-гилт ўшга тўлдари. Бир лаҳза четга бурилиб, йиғлаб олардилар.

- Кандай кўзларинг бор эди-! Менгина ўлай, сени кўр қилган, - деб пичирлаб кўярдилар. Яқинда юракда армонлари билан бокий дунёга риҳлат қилдилар...

Қадрли укагинам Дониёри! Болаликда бирга кашта бўлдилар.

Бир кун синглумдан хабар олгани борсам, ранги сарғайған, рухи синик, қайғияти тушкун холда эди. Овозимни эшитиб, суюниб кетди. Салом-алиқдан кейин атроғфа назар солдим. Ҳаммаёқ ораст, аммо нимадир этишмайди.

- Ҷақалок катта бўп қолдими? Умиджон кўринмайди, - дедим синглумга қараబ.

У қанроқ сурилиб, атроғда хеч ким йўқлигига ишонч ҳосил килгач:

- Онамга айтмайсиз. Кўёвингиз

БИРОВГА КАЗИМАТИЛ ЧОХ

“Қилмишига яраша” - 3-сон

ЭСЛАТМА: Қайнинглумга она ўрнида оналик қиласи. Лекин у фолбинга бориб мени дуошибад қиласи. Бундан эрим ҳам хафа. Қайнинглумнига бормай қўйсам, эрим билан ўртамизга совукчилик тушшиб қолмасмикан?

Муаллиф: Гулбашакар

Маколани ўқиб, Гулшанойга раҳматлар айтгим келди. Қизим Гулшаной! Сиз ўта раҳмид ал эйл экансиз. Сиз қайнинглумниларининг кўнгли ўқисасин, деб кўлинигиздан келган барча яхшиликларни қилгансиз. Инсон ҳётида нима ходисалар юз бермайди, дейсиз. Катта қайнинглумнигиз икки болалик бўлгач, турмуши бузилади. Сиз бунга ачиниб, “Унинг кўнгли ярим, қийалиб қолмасин”, деб унинг рўзгорига топганингизнинг ярмини улашиб тургансиз.

Янги йил арафасида қайнинглумниг фолбинга бориб, фол очиради. Аслида унинг (менимча) фири бошқача бўлган, баҳтим очилармикан, деб борган бўлса ажабмас. Фолбин эса унга бутунлай бошқа фикрларни айтб, сизни унга ёмонлайди. Ҳаттоқи унинг турмуши бузилишга ҳам сизни сабаби килиб кўрсатади. Сўнг қайнинглумниг фолбингдан сизни дуошибад қилиб беришни илтимос килиди ва 50 доллар беради. Фолбин бу пулни “халол” қилиб олиш учун унинг айтганиларини килиб, дуошибад қиласи.

Буни қарангки, сизга қазилган чоҳга ўзи йиқилди. Сизга исталган кун ўз бошига тушгач, қайнинглумнигизнинг кўзи очишибди. Акаси уни кўргани борганида бўлиб ўтган гапларни йиғлаб айтib: “Иложи бўлса келинйим менин кечирсан, мен нотўри иш тутганим учун Аллоҳнинг ҳаҳрига учрадим”, дебди.

Гулшаной сиз ўзингизни ҳар доимигидаги тубиб, бориб келиб юраверинг. Қайнинглумниг эса қилган ишидан пушаймон бўлиб, сизнинг олдингизда доим ўзини гуноҳкор деб ҳис этади.

“Ким қилмагай, ким топмагай” деганларидек, ҳали ўша фолбингин ўзига ҳам Аллоҳ кўрсатиб қўйиши мумкин. Ахир у пул учун виждонини ҳам сотишга тайёр шахс эмасми?

Раззок ҲАҚИМИЙ,
Навоий вилояти, Кизилтепа тумани.

АРМОН ҚИЛМАНГ!

“Дўстим менга панд берди” - 22-сон, 2007 йил

ЭСЛАТМА: Расул билан бирга кашта бўлдилар. Аммо бир қиз туфайли орамизга совукчилик тушди. уни энди ҳақиқий дўстим дейшишга рости, тилим бормаяпти. Онам ҳам бу қизга ўйланишишмага рози эмаслар. Аро ўйла қолдим.

Муаллиф: Гулбашакар

Ўғлим Шуҳрат! Болаликда бирга ўғсан, бир мактабда ўқиган, бир-бирингизни яхши билиб улгайган дўстингиздан жабр кўрибиз.

Ҳаётни қарангки, бир институтда ўқиб, бир жойда ишлаб, бир қиз учун дўстингиз сиздан юз ўтириб, сизга хиёнат қиласа.. Сиз: “Наргиз билан кўнгироқлаша, учраша бошладим”, - деб ёзибиз. Наргиз Расулга турмушга чиқиб, дилингизни вайрон қилиби. Аввалимбон Наргизнинг ўзи сизнинг дилингиздаги поклонка арзимайди. Чунки дили тоза қиз ҳар қандай шароитда ўз номусини, турмуш курмасдан бирорга ҳадя қилмайди, ўзининг номуси учун курашади.

Юридин институтда ўқиганимизда, бизга хукушнос домламиш, аёлларнинг ор-номуси ҳақида бир мисол көлтирганди. Катта бир идоранинг бошлиги ёмон фикраро бориб, котибасини ишдан сўнг озигина қолиб ишлашга кўндиради. Эндиғина 18 ўшга кирган соф дил котиба қизни идора бошлиги ҳар хил йўллар билан авраб, номусига тегмоки бўлади. Ноизкини қиз билан гавдали эрқак ўртасида кураш бошланади. Шунда қиз бу эрқак билан курашиб, енгилишдан, номусини йўкотишдан кўриб, 9-квадатда хона деразасидан ўзини ташлаб, ҳалок бўлади.

Номусини сақламоқи бўлган қиз номард эрқак билан курашган. Наргизни Расул зўрлагани учун Наргиз унга теккан экан, деган фикр нотўри. Наргиз ўзини мудофаа қилиб кураш бўларди.

Шуҳратжон, хеч қачон: “Мен Наргизга ўйланга олмадим”, деб армон қилманд! Ҳаёт шундай эканки, инсон пешонасига ёзганини кўради.

Гайнижамол АБДУЛЛА қизи, Тошкент шахри.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

Хурматли
Хоним
РАХИМОВА!

Туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга соғлиқ-омонилик, ославий бахт тилайман.

София

Хурматли

сингапум НАФИСА!

Туғилган кунингиз билан муборак болаёттамиз. Сенга узоқ умр, ославий бахт, фарзандаринг камолини кўриб юрши насиб этсан.

Онгиз Назира

АҚРОМ ака!

Тавалду айёмингиз муборак бўлсин. Сизга, соғлиқ, узоқ умр тилаймиз.

Тошкент тумани «DAEWO» техник хизмат кўрсатиш хусусий корхонаси жамоаси

Укам Зиёдилла ФАЙБУЛЛАЕВИЧ!
Сени қирчиллама 40 ёшта тўлишинг билан муборакбод этаман. Онажонинг ва менинг бахтимга соғ-омонг бўлгун.

Акан Мазсулхўжа

Шайхонтоҳу тумани хокимлигидан яқа тартибдаги хусусий тадбиркор МАХМУДЖНОВ БАХОДИР МАҲМАДЖНОНОВИЧга уяли алоқа воситаларига хизмат кўрсатиш, курилиш моллари ишлаб чиқариш бўйича фаолият кўрсатиш учун 13 июн 2005 йилда берилган 3649 рақами гувоҳнома (26 октябрь 2006 йильда йўқолганилиги учун) БЕКОР қилинади.



Онамиз РАҲИМА!
55 ёшингиз билан табриклаймиз. Бахтимизга ҳар доим соғ-саломат бўлинг. Юзингиздан кулагу, лабингиздан табасум ариласин.

Фарзандларингиз



Хурматли МУРОДЖОН!
Туғилган кунингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр, сизмат саломатлик, шаларингизда камтадан-камта муввафакиятлар тилайман.

Яқинларингиз



Хурматли дадажоним Атабай БОБОЕВ! 60 ёшли юбилейнгиз муборак бўлсин. Бахтимизга доим соғ-саломат бўлиб, узоқ умр кўриб юринг.

Ўғашгиз Қаҳрамон Бобоев

Хоразм вилояти, Ҳазораст шумани.

Синфиошим Фатхулла ФОФУРОВИЧ!
